

Азиз меҳмонлар Сурхондарёга келишди



10:57 / 17 октябрь 360

Жорий йилнинг 17-18 октябрь кунлари Термиз шаҳрида «Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни» мавзусига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилиши ҳақида аввал хабар берган эдик.

Бугун мамлакатимизнинг кўзга кўринган исломшунос олимлари, соҳа мутахассислари, илмий тадқиқотчилари билан бирга Туркия, Қатар, Миср, Бирлашган Араб Амирликлари, Ҳиндистон, Қирғизистон каби дунёнинг ўнга яқин давлатидан таниқли олим ва уламолари Термиз халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

Меҳмонлар орасида Президент маслаҳатчилари Хайриддин Султонов, Музаффар Камиллов, Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содиқжон Тошбоев каби соҳа раҳбарлари ҳамда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари, Миср Араб Республикаси бош муфтийси Назир Муҳаммад Айёд, Қатар Халқаро мусулмон уламолар кенгаши раиси Али Муҳйиддин Қорадоғи каби таниқли уламолар бор.

Термиз шаҳрида жойлашган Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказида «Имом Термизий илмий меросининг ислом цивилизациясида тутган ўрни» мавзусига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман ўз

ишини бошламоқда.

Айни вақтда 50 дан ортиқ таниқли олим ва уламолар мазкур халқаро илмий-амалий анжуманда иштирок этиш учун ташриф буюришган.

Конференциянинг биринчи кунда халқаро илмий-амалий анжуман очилиш маросими, халқаро анжуман ялпи йиғилиши, шўбалар йиғилишлари, хорижлик уламолар иштирокида Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази талабалари билан учрашув, ёпилиш маросими ҳамда бошқа қатор тадбирлар ўтказилиши белгиланган.